

и.ф.д.,проф., Т.С.Расулов
ТДШИ “МДХ ва Яқин Шарқ
мамлакатлари иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси мудир
К.А.Акбарова
ТДШИ “МДХ ва Яқин Шарқ
мамлакатлари иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси ўқитувчиси

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кириш

Мустақил Ўзбекистон ўтган 26 йил мобайнида асрларга татиғулик тарихий йўлни босиб ўтди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар эндиликда ортга қайтмайдиган жараёнга айланди. Бу, аввало, истиқлолнинг, уни мустаҳкамлаш, шунингдек, глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг миллий ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш натижасидир.

Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида¹ “Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда” деб фикрбилдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга қилган мурожаатларида, яъни, “Ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришдик. ... “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши кўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”. Бу эса ...Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Кўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда”² деб айтган фикрлари билан танишганда кўнгилдан шу мулоҳазалар ўтади, мурожаатнинг қимматлилиги шундаки, унда маърузачи минтақавий хавфсизликни таъминлаш, террорчилик балосига қарши кураш ва иқтисодий хавфсизлик масалаларига жуда катта эътибор қаратган. Бугунги кундаги юртимиз ташқи иқтисодий хавфсизлигига тўсқинлик қилувчи омилларга қарши курашда кучларни бирлаштириш, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган таклиф, фикр ва мулоҳазалар глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлиги ҳам долзарб масала эканидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий хавфсизлик ғоялари ва у билан боғлиқ бўлган «иқтисодий хавфсизлик» тушунчаси мамлакатимизга республикамиз мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг кириб кела бошлади. Мустақилликдан аввал бундай тушунчалар мутахассисларнинг тор доирасигагина маълум эди.

Иқтисодий хавфсизлик масалалари моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, ташқи иқтисодий алоқалар стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий-услубий жиҳатлари хорижлик олимлар — Ж. Стиглиц, Куруцкий А.Б., Ф.Фукуями, С.Дятлов, К.Хорншильд, Л.Бляхман, Г.Киссинджер, З.Бжезинский, Ж.Бхагвати ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, глобаллашув жараёнлари ва уларнинг миллий иқтисодиётга таъсири ҳақида МДХ олимлари – Ерекешева Л.Г., Гулиев М., Спартака А.Н., Юдаева К., Ясин Е., Шишков Ю. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув муаммолари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи ва миллий иқтисодий хавфсизлик масалалари бўйича республикамиз иқтисодчи-олимлари Абулқосимов Х.П., Ишмухаммедов А.Э, Жалолов Ж.Ж, Тухлиев Н., Исаджанов А.А. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Уларда муаммонинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди. Иқтисодий хавфсизлик масаласи назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 23 декабрь 2017 й. № 258 (6952).

бўлсада, унинг оқибатлари ҳозирги кунда аҳоли турмуш даражасига, мамлакат ривожланишига ҳамда халқаро бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга таъсири борасида этарлича таҳлил қилинмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий хавфсизлик ғоялари ва у билан боғлиқ бўлган «**иқтисодий хавфсизлик**» тушунчаси мамлакатимизга республикаимиз мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг кириб кела бошлади. Мустақилликдан аввал бундай тушунчалар мутахассисларнинг тор доирасигагина маълум эди. Собиқ Иттифоқ даврида ушбу масалага бағишланган иккита китоб биринчи марта («Хорижий адабиётларда иқтисодий хавфсизлик масалалари» ва «Халқаро иқтисодий хавфсизлик») 1988 йилда босилиб чиққан эди. 90 - йилларда иқтисодчиларнинг мақолаларида ва оммавий ахборот воситаларида «иқтисодий хавфсизлик» ибораси қўлланила бошланди.

Россиянинг иқтисодий хавфсизлиги муаммолари бўйича биринчи мақолалар «О вопросах экономики» журналада босилиб чиқа бошлади. Масаланинг назарий томонлари Л.Абалкин, А.Архипов каби таниқли россиялик иқтисодчи олимлари мақолаларида кенг ёритиб берилди. Кейинчалик россиялик бошқа йирик иқтисодчилар ҳам ушбу муаммони ўрганиш бўйича мунозараларга қўшилдилар. 1997 йилда Е.А.Олейниковнинг таҳрири остида «Основы экономической безопасности. (Государство, регион, предприятие, личность)», В.С.Загашвилининг «Экономическая безопасность России» деб номланган китоблари Россияда нашр этилди. Уларда муаммонинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилди. Иқтисодий хавфсизлик масаласи назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинди.

Демак, айтиш мумкинки, «**Иқтисодий хавфсизлик**» тушунчаси ўзбек иқтисодиётини бошқарув органларининг лексикасида янги дир. Айни пайтда ушбу ибора хорижий мамлакатлар бошқарув тизимлари фаолиятида яхши таниш бўлган тушунчадир. Иқтисодий хавфсизлик **давлатнинг миллий хавфсизлигини** асосий ташкил этувчиларидан биридир ва мамлакатнинг иқтисодий эҳтиёжлари кафолатланиши ва уни таъминлашнинг йўллари, воситалари ва усуллари асос солувчи қарашларнинг йиғиндисидир. Концептуал кўринишда у давлатнинг иқтисодий потенциалининг ҳолатидан келиб чиқадиган иқтисодий хавфнинг асосий омилларини таҳлиliga асосланган. Давлатнинг хавфсизлиги кучсиз ва самарасиз иқтисодиётда таъминланиши мумкин эмас, айниқса глобаллашув жараёнидаги ижтимоий низоларга тўла жамиятда, чунки ҳаммаси ўзаро боғланган ва бири иккинчисини тўлдиради³.

³ А.Э.Ишмухамедов Иқтисодий хавфсизлик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Т., 2004 й. 10 б.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий хавфсизлик – бу мамлакат, ҳудуд, фирма, компаниянинг иқтисодий инқирозга учраш хавфидан ҳимоя қилиш бўйича кўрадиган чор-тадбирлари мажмуидир.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида йирик фирма, компанияларда махсус хизматлар ташкил қилинади. Улар бозорни ўрганиш, талаб ва таклифни прогнозлаш, илмий-техник тараққиётни кузатиш ва бошқа ишларни бажаради. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда маҳсулот турини мунтазам янгилаб туриш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, харажатларни қисқартириш муҳим аҳамиятга эга⁴.

Иқтисодий хавфсизлик миллий иқтисодиёт даражасида макроиқтисодий категория ва муайян мамлакат миллий иқтисодиётини тавсифлайди, бозор тизимида хатар борлигидан ва бундан ҳатто миллий иқтисодиёт ҳам холи бўлмаслигини, ундан сақланиш зарурлигини билдиради.

Иқтисодий хавфсизликнинг бош мезони - бу мамлакат эҳтиёжларининг узлуксиз таъминланиши ҳисобланади, бу, **биринчидан**, имкон борича ўзини ўз маҳсулот ва хизматлари билан таъминлашни, **иккинчидан**, мамлакатда яратиш мумкин бўлмаган товар ва хизматларни четдан қулай нархларда ва узлуксиз келтириб туришни билдиради. Акс ҳолда иқтисодиёт издан чиқади.

Миллий иқтисодиёт даражасида иқтисодий хавфсизлининг **озиқ-овқат, ёқилғи-энергетика, экспорт** каби муҳим йўналишлари мавжуд. Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондирилиши 80% бўлганида, мамлакатнинг энергия омилларига бўлган талабнинг ўз ҳисобидан 70-80%га қондирилганда хавфсизликка эришилган ҳисобланади. Экспорт хавфсизлиги мамлакат экспорт салоҳиятини амалга ошириш имконияти билан белгиланади.

Экспортнинг чекланган турдаги товарларга, айниқса, жаҳон бозорида нархи тез-тез ўзгариб турадиган хом-ашё ва энергия омилларига боғлиқ бўлиб қолиши экспорт хатарини туғдиради, нархлар пасайган пайтда экспорт тушимидаги йўқотишлар мамлакат иқтисодиётига зарар келтиради.

Иқтисодиёт глобаллашган, экспорт ва импортнинг миллий иқтисодиётга таъсири кучайган шароитда иқтисодий хавфсизликни ўз ишлаб чиқариши билан таъминлаб бўлмайди. Шундай шароитда экспорт-импорт алоқаларининг мунтазамлигини стратегик шерикчилик асосида таъминлаш иқтисодий хавфсизликни кафолатлайди.

Иқтисодиёт субъектлари нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизлик қуйидаги шаклларда намоён бўлади (1-чизма):

- **шахснинг иқтисодий хавфсизлиги;**
- **корхонанинг(фирма) иқтисодий хавфсизлиги;**
- **давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги.**

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги - бу унинг ҳаётий манфаатларининг, яъни яшаш ва шахсий дахлсизлик, эркин меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, мулкдор бўлиш, ҳаётий истеъмол эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, билим олиш ва касбга эга бўлиш, қариганда

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси 4-жилд. 344-бет.

ва меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқланганини ифодалайди.



1-чизма. Иқтисодий хавфсизликнинг классификацияси

Бунда шахснинг бозор иқтисодиётида истеъмолчи ва ишчи, хизматчи, тадбиркор сифатидаги ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг, манфаатларининг ҳимоялангани, кафолатлангани нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизликни икки турга ажратиш мумкин.

Корхоналарнинг (фирма) иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилганда уларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий, савдо-тижорат ҳамда нотижорат ва жамоатчилик ташкилотлари сифатида фаолият юритиши нуқтаи назаридан туркумлаш мақсадга мувофиқ. Корхонанинг (фирма) ихтисослигига кўра хавфсизлигини таъминлаш хусусиятлари ҳам турлича бўлиши табиийдир.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг мамлакат ички муаммолари ва ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда халқаро молиявий ташкилот ва уюшмаларда иштирок этиш билан боғлиқ хавф-хатарлар нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Иқтисодий хавфсизликни асосида ривожланиш ва ривожланишни барқарорлигига ўхшаш бўлган муҳит ташкил этувчилари ётади — бу материал, иншоотнинг, уни янги сифат ҳолатига, яъни таркиб ёки тузум ўзгаришига келтирадиган, зарур бўлган йўналтирилган қонуний ўзгаришидир. Ривожланишсиз иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Барқарорлик — бу

жамиятнинг фавкулотдаги ҳолатларда ҳам ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти.

Асосий иқтисодий хавфсизлик таҳдидлари - мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи жараён бўлиб, мамлакат, жамият ва шахс иқтисодий манфаатларини чегаралайди.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисмига кирганлиги учун миллий хавфсизликнинг ташкил этилиши ва шаклланиши билан боғлиқ масалалар билан кўриб чиқилиши лозим. Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ва унинг моддий асоси ҳисобланади. Шунинг учун, иқтисодий хавфсизлик мамлакат миллий хавфсизлик генезиси ва шаклланишига доир масалалар қаторида ўрганилиб чиқилиши даркор. Умуман иқтисодий хавфсизлик асосий парадигмасини қуйидаги элементлар ташкил этади:

➤ Халқаро муносабатлар тизимига ўтиш, яъни ишчи кучи концепциясидан манфаатлар концепциясига қараб;

➤ Иқтисодий хавфсизликнинг бир бирига қарши типдаги ғоялар ва тузулмалардан халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро муносабатларга асосланган модел томон ҳаракатланиши;

➤ Худуд дахлсизлигини таъминлаш тамоилига қўшимча қилиб минтақа, корхона, оила ва шахс иқтисодий хавфсизлиги тамоилини киритиш;

➤ Иқтисодий соҳадаги таҳдидлар комплекс хусусиятга эга бўлиб, аввало, ЯИМнинг сезиларли даражада қисқариши, инвестицион ва инновацион фаолият ҳамда илмий-техникавий салоҳиятнинг пасайиши, қишлоқ хўжалиги секторидаги инқироз, ёқилғи хомашёси ва энергетик компонентларни экспорти суръатининг ошиши, импортда эса бирламчи ва истеъмол молларининг ўсиши кузатилади.

Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятида эса қуйидаги масалалар муҳим ўрин тутади:

➤ Миллий иқтисодиётнинг халқаро интеграциялашувига қулай шароит ташкил этиш;

➤ Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари сотиш бозорларининг кенгайиши;

➤ МДҲ давлатлари билан ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш;

➤ Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

➤ Барқарор кредит-молиявий сиёсатини ташкил этиш, бошқа давлатлардан ташқи кредит олишни камайтириш орқали уларга боғланиб қолишни олдини олиш;

➤ Чет эл банклари, суғурта ва инвестицион компанияларни бошқаришда давлатнинг ролини ошириш.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

➤ Халқаро (глобал ва минтақавий);

➤ Миллий;

➤ Локал (минтақавий ёки мамлакат ичидаги тармоқлар);

➤ Хусусий (корхоналар ва шахс).

Халқаро иқтисодий хавфсизлик — шартномалар ва институционал тузилишни амалга ошириш борасидаги барча халқаро шартлар мажмуаси бўлиб, унда ҳар бир жаҳон ҳамжамиятидаги аъзо давлатнинг эркин сайлаш ва ўзининг ижтимоий–иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши, ташқи босимга учрамаслиги, бошқаларни ишига аралашмаслиги, ўзароманфаатли ва ўзаромувофиқлик асосида жаҳондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги.

Халқаро иқтисодий хавфсизлик тараққиёт моделларнинг боғланиб қолишини, шунингдек, ҳар бир халқнинг ўз йўлини танлашда ҳуқуқини тан олиш, манфаатлари ҳурмат қилиниши орқали иқтисодий ва сиёсий қарамликни рад этади.

Мамлакатнинг нафақат иқтисодий, шунингдек, сиёсий аҳволига ҳам жиддий хавф туғдирувчи таҳдидлардан бири ташқи қарз муаммосидир. Ташқи қарзнинг юқори даражадалигининг ўзиёқ ташқи сиёсат юритишни шубҳа остига қўяди. Мамлакат қарз берган йирик кредитор мамлакатларга қарам бўлиб қолади. Ташқи қарзларни тўлаш учун мамлакат қарзлардан кредитларни белгиланган муддатларда тўлашни кафолатлайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштиришда фойдаланиши ҳамда янги объектларни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мумкин.

Ташқи қарз - кредит олиш орқали мамлакатнинг бюджет харажатларини молиявий қоплаш натижасида шакилланадиган мамлакатнинг қарз суммаси. Ташқи қарз мамлакатнинг иқтисодиёти учун оғир юк бўлиб, иқтисодий конъюнктурасининг ёмонлашувига олиб келади. Бироқ, ташқи қарз иқтисодиётнинг ўсиши учун рағбат вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бу билан бирга мамлакатнинг реал имкониятларини ҳисобга олмай, ҳаддан ташқари олинган ташқи қарзлар мамлакатни инқирозга ва суверенитетининг йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, “2017 йил 1 июль ҳолатига кўра, ён қўшнимиз Қозоғистоннинг ташқи қарзи 167,8903 млрд. долларни ташкил этди, дея хабар берди Қозоғистон Миллий банкининг матбуот хизмати. Маълумотларга қараганда, ушбу миқдорда давлат ва давлат томонидан кафолатланган ташқи қарзлар 13,9576 миллиард долларни ташкил этади. Бу ташқи қарзнинг 8,3 фоизига тенг. Ушбу миқдордан давлатнинг ташқи қарзи 13,241 млрд. доллардир. Таъкидлаш жоизки, давлат ва давлат томонидан кафолатланган ташқи қарз 2017 йилнинг апрелига нисбатан камайган. Ўшанда бу кўрсаткич 14,1139 миллиард долларни ташкил этганди. Эслатиб ўтамиз, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра Қозоғистон ташқи қарзи 163,715 миллиард долларни ташкил қилган.

«Алпари» компаниясининг таҳлил департаменти раҳбари ўринбосари Наталья Мильчакова қайд этганидек, Қозоғистонда аҳоли жон бошига ташқи қарзнинг кўрсаткичи 8 740 долларни ташкил этади. Унинг сўзларига кўра, мутлақ равишда бу рақам вазиятдан беҳабар одам учун қўрқинчли кўриниши мумкин, ҳар қандай оддий фуқаро ўзининг эркин иродаси билан деярли тўққиз минг долларга қарздор бўлишни истамайди, бироқ жаҳон миқёсида бу кўрсаткич ташвишга солмаслиги керак.

«Мисол учун, Буюк Британия учун ушбу рақам киши бошига 150 минг доллардан ортиқ, Бельгия, Норвегия, Финляндияда аҳоли жон бошига 100 минг доллар, АҚШ учун 60 минг доллар, Германия учун 70 минг доллардан ортиқни ташкил этади. Россияда аҳоли жон бошига атиги 3,5 минг долларга тенг. Афсуски, аҳолининг кўплиги ҳам муҳимдир, шунинг учун Россия ва Хитойда аҳоли жон бошига ташқи қарз кўрсаткичлари жуда паст даражада», - дея изох беради таҳлилчи.

Н.Мильчакованинг тушунтиришича, аҳоли жон бошига ташқи қарз кўрсаткичи мамлакатнинг ва аҳолининг қарз юки ҳажмини акс эттиради, чунки давлат маълум вақт ичида қайтарилиши керак бўлган пулни чет элдан олади. Бу кўрсаткич қанчалик баланд бўлса, ташқи қарз берувчиларга маълум бир мамлакатнинг ҳар бир фуқароси шунчалик «қарздор» бўлади. Кўрсаткичнинг ўзи ҳеч нарсага таъсир қилмайди, бу фақат ҳукумат ва чет элдан қарз олиш тўғрисида қарор қабул қиладиган ҳукуматнинг иқтисодий блоки учун индикатор.

МДҲ мамлакатлари орасида, Халқаро иқтисодий форумга кўра, Украина ташқи қарзларнинг ҳажми бўйича 80,2 фоизлик улуш билан биринчи ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткич бўйича иккинчи ўрин Қирғизистон (68,8 фоиз), учинчи поғона эса Арманистонга (46,6 фоиз) тегди. Рейтингда тўртинчи ўринни Молдова (42 фоиз) эгаллади. Озарбойжон (36,1 фоиз) бешталикни яқунлаб берган бўлса, Тожикистон олтинчи ўриндан жой олди. Еттинчи ўринни Қозоғистон 23,3 фоизлик улуш билан эгаллади. Россия (17,7 фоиз) саккизинчи”⁵.

Бундан ташқари ташқи қарзлар яширин кўринишда бўлиб, иқтисодчилар учун уни ҳисоблаш бир мунча қийинчиликлар яратади. Масалан, “Халқаро тўловлар банки биринчи марта валюта деривативлари ортида яширинган глобал долларли мажбуриятлар ҳажмини илк марта ҳисоблаб чиқди. Унга кўра, жаҳон ЯИМнинг 18 фоизини ташкил этувчи бу қарздорлик бухгалтерлик ҳисоботларида кўзга ташланмайди. АҚШ ташқарисидаги нобанк ташкилотларида (хеж-фондлар, номолиявий компаниялар, давлат идоралари ва б.) 13–14 трлн доллар миқдорида ҳисобга олинмаган қарзлар мавжуд. Улар валюта деривативлари, жумладан валюта своплари (FX swaps, currency swaps) ва валюта форвардлари бўйича долларли мажбуриятларидир, дея баҳолаган Халқаро тўловлар банки (BIS).

«Бу қарзлар кўринмай қолишига сабаб — молиявий ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар уни дериватив сифатида қайд этади, — деб ёзади иқтисодчилар Клаудио Борио, Роберт Нил Макколи ва Патрик Макгвайр. — Улар ҳақида ҳисоботларга бириктирилган эслатмаларда маълум қилинади». 2016 йил охирига келиб глобал валюта бозоридаги своплар ва форвардлар ҳажми BIS (Халқаро Ҳисоблар Банки) маълумотларига кўра, 58 трлн долларни ташкил этган. Бу Жаҳон банки ахборотига биноан жаҳон ЯИМнинг 77 фоизини ташкил

⁵ <https://kun.uz/news/2017/10/11/kozogiston-taski-karzi-7-ojdan-beri-tuhtovsiz-usib-bormokda>.

этади. Мазкур шартномаларнинг камида 90 фоизда валюталардан бири сифатида Америка доллари танланган”⁶.

Амалиётда деярли барча мамлакатлар ташқи молиялаштириш манбаларни жалб қилишга ҳаракат қиладилар, акс ҳолда уларнинг кўпчилигида ички капитал қўйилмаларини қўйиш, ижтимоий иқтисодий ислоҳатларни ўтказиш, ташқи қарзлар мажбуриятини бажариш учун бюджет тақчиллиги-ю, ички ресурслар танқислигига учрайди.

Иқтисодиёт чуқур кризисга учраган ва капитал маблағларни унга жалб қилиш кескин камайиб кетаётган шароитда **хорижий инвестициялар** баъзи соҳаларда иқтисодий ўсиш катализатори бўлиши мумкин. Бу эса иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашга имкон беради. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизми хорижий ҳамкорларнинг молиявий ва моддий ресурсларини миллий иқтисодиётга реал киритишга ундаши лозим. Улар томонидан моддий бойликларни арзон нархларни кўзлаб сотиб олишга йўл қўйиш мумкин эмас. Шундай қилиб, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб қилиш чораларини кўриш билан бир қаторда, бу жараёнларни тартибга солиш ҳам даркор. Бунда миллий манфаатларга риоя қилган ҳолда, хорижий компанияларнинг минимал маблағлари эвазига бутун бир тармоқлар устидан ўз назоратини ўрнатишларига йўл қўймаслик лозим бўлади.

Яна бир иқтисодий хавфсизликка таҳдид соладиган омил бу **иқтисодиётнинг хаддан ташқари очиклиги**. Иқтисодиёт очиклиги-жаҳон хўжалиги алоқалар ва халқаро меҳнат тақсимотида максимал қатнашишга кўзланган иқтисодий тизимдир. У бошқа давлатлар иқтисодиётига боғлиқ бўлмаган автаркия (ўз-ўзини таъминлаш) иқтисодий тизимга қаршидир. Шунинг учун, иқтисодиёт очиклиги нормал ҳолат ва объектив заруриятдир. Бироқ, малакатнинг ишлаб чиқарувчи, молиявий, банк тизими ва пул айланиши каби стратегик соҳаларни ҳимояланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш лозим. Очик иқтисодиётга ўтиш ўта даражадаги протекционизмдан воз кечишни тақазо этади. Аммо мамлакатни жаҳон хўжалигига кириб бориши нуқтаи назаридан истиқболли бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, яъни селектив протекционизм зарурдир. Бу даврда иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан ватанимизда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш бозорларини, импорт хомашё ва саноат маҳсулотлари манбаларини диверсификациялаш, кўплаб мамлакатлар билан ёмонлашган муносабатлар ўрнига бошқа мамлакатлар билан бўладиган илиқ муносабатлар ривожлантирилади.

Иқтисодий хавфсизлик турларининг моҳиятини вужудга келиш сабабларини ўрганиш, миллий манфаатларга таҳдидларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва улардан муҳофазаланиш чора-тадбирлари, механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда вужудга келтиришга имкон беради. Бунинг учун ушбу

⁶ <https://kun.uz/news/2017/09/19/halkaro-tulovlar-banki-dunening-asirin-karzi-14-trln-dollar-ekanini-anikladi>

хавф-хатарларни ва хавфсизлик даражасини аниқлаш, уларнинг кўрсаткич мезонларини ўрганишга зарурат туғилади.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлигининг қонуний асослари, хавфсизликни таъминловчи омиллар, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий хавфсизлик — шартномалар ва институционал тузилишни амалга ошириш борасидаги барча халқаро шартлар мажмуаси бўлиб, унда ҳар бир жаҳон ҳамжамиятидаги аъзо давлатнинг эркин сайлаш ва ўзининг ижтимоий–иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши, ташқи босимга учрамаслиги, бошқаларни ишига аралашмаслиги, ўзароманфаатли ва ўзаромувофиқлик асосида жаҳондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги тушунилади.

Ҳозирги даврдаги глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун қуйидагилар тақоза этилади:

Биринчидан, жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этиб, миллий ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратиш;

Иккинчидан, жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий ноҳуш ҳодисалар салбий оқибатларининг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтиришга эришиш. Алоҳида таъкидлаш жоизки, очиқ иқтисодиёт шароитида ташқи таҳдидлар таъсирини бутунлай йўқ қилиш, унга барҳам бериш мумкин эмас.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи **ташқи омилларга** қуйидагилар киради:

1) Экспорт таркибидаги хом ашё товарларининг устуворлиги, анъанавий машинасозлик ва ҳарбий саноат товарлари бозорларининг йўқотилиши;

2) мамлакатнинг кўп турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, стратегик аҳамиятдаги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ипортига қарамлиги;

3) экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, божхона чегараларининг очиқлиги;

4) рақобатга бардошли экспортни қўллаб-қувватловчи молиявий, ташкилий ва ахборот инфратузилмаларнинг ривожланганлиги ва импорт таркибининг рационал эмаслиги;

б) экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривож топмаганлиги;

7) Илмий салоҳият оқими;

8) Капитал оқими;

9) Ташқи қарзларнинг ўсиши;

10) Тижорат ва истеъмол моллари бўйича импорт қарамлигининг ортиши;

11) Иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари очиқлиги;

12) Миллий товарларни ички ва ташқи бозорлардан сиқиб чиқариш мақсадида чет эл капиталларини жалб қилиш.

Экспорт товарларига нархларнинг кескин пасайиб кетиши ёки аксинча, импорт товарларига нархларнинг кескин кўтарилиб кетиши ташқи бозорга боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ўта хавfli ҳисобланади.

Бундан ташқари, бозорларда савдо қилиш ёки маҳсулот етказиб берувчи мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи томонидан **эмбарго** киритилиши ҳам иқтисодиётнинг ривожига хавф туғдиради. Шунингдек, бир мамлакатдан ёки мамлакатлар гуруҳидан айрим турдаги маҳсулотларни келтиришда юқори даражадаги қарамликка, боғлиқликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, бу иқтисодий қарамликдан сиёсий жиҳатдан таъсир кўрсатишда фойдаланишлари мумкин.


Миллий иқтисодиёт учун унинг экспорти таркибида **икки-уч хил товарнинг устувор ўринни** эгаллаши, хатто экспорт ҳажмининг **яримидан кўпини** ташкил этиши ўта хавfli ҳолатларни туғдириши мумкин. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортнинг бундай таркиби жаҳон бозори конъюктураси ёмонлашган шароитда, уларга бўлган талабнинг камайиши оқибатида иқтисодиёт ҳалокатига олиб келиши мумкин. Яъни, мамлакат экспорт қилаётган хомашё ресурсларининг жаҳон бозоридаги нархларнинг тушиб кетиши оқибатида унинг ташқи савдо айланмаси пасайиб кетади. Натижада, валюта тушуми камаяди ва бу ҳол мамлакат учун зарур инвестиция лойиҳаларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳатто миллий валюта қадрнинг тушиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек, хомашё ишлаб чиқарувчи миллий корхоналарнинг иқтисодий-молиявий аҳволи ёмонлашади. Уларнинг баъзилари хонавайрон бўлади, кўпчилиги эса ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга мажбур бўлади. Оқибатда, **иш билан банд ходимлар сони қисқариб, ишсизлар сони ошади**. Давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратилган маблағ кўпайиб, ижтимоий муаммолар ҳам бирмунча кескинлашади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари секинлашади ёки турғунликка, тангликка юз тутади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузасида “Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаймиз. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “**ўзбек бренди**” номи билан олиб чиқишдан иборат.

Сўнги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта ҳушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур” [2] деб билдирган фикрлари нақадар аҳамиятлидир.

Масалан, **2017 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо-сотик алоқаларини амалга оширган**. Жумладан, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2017 йил

якуни бўйича 26,9 млрд АҚШ долл, ёки 2016 йил кўрсаткичига нисбатан 11%га ошган. Шундан, экспорт 13,9 млрд. АҚШ долларини (51,7%) ва импорт 13,0 млрд. АҚШ долларини (48,3%) ташкил қилди ёки 2016 йилга нисбатан мос равишда 114,9 ва 107,2 %ларни ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси сальдоси 880,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Шунинг 729,3 млн. АҚШ долларини МДХ давлатлари ва 150,9 млн. АҚШ долларини бошқа давлатлар ташкил этган.




1-расм. Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда (ташқи айлана 2017 йил январь–декабрь, ички айлана 2016 йил январь–декабрь учун)

Мамлакатимизда сўнги йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тузилмаларида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида ташқи савдода фақат хомашё воситалари билан қатнашувига барҳам берилди. Хусусан, экспорт таркибида пахта толасининг улуши (2000 йилда 27,5%га) кескин камайиб борган ва 2017 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 3,4%ни ташкил қилган. Шунингдек, экспорт таркибида бошқа товарлар гуруҳи 35,7 % улуш билан муайян ўринга эга бўлиб, бунда ушбу гуруҳга кирувчи текстил маҳсулотларининг ҳажми 1133,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 % ўсди, хизматлар 25,2%га, шундан 11,6 % транспорт хизматларига, 11,4 % эса туризм хизматлари хиссасига тўғри келган ҳамда энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари 13,8%га ва озиқ-овқат

маҳсулотлари 6,3%га ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида мамлакат экспорт салоҳиятидаги ривожланиш тенденциясини кўрсатади.

Импорт таркибининг асосий улуши 38,9% билан машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи ва 16,5% билан кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар гуруҳи ҳиссасига тўғри келмоқда.



2-расм. Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда (ташқи айлана 2017 йил январь–декабрь, ички айлана 2016 йил январь–декабрь учун)

Умуман мамлакатимиз ташқи савдосида жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. МДХ мамлакатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари асосий ҳамкорларимиз ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 28,5 %ни ташкил қилса, бошқа узок хориж ҳамкорларимиз орасида Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Германия, Афғонистон, Бразилия, Ҳиндистон, Эрон, Латвия, Литва, Франция, АҚШ, Италия давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 41,9 %ни ташкил қилади⁷.

Бутун дунёда **миллий валюта қадри** мамлакат иқтисодий аҳволининг индикатори ҳисобланади. Мамлакатдан молиявий маблағларнинг катта миқдорларда чиқиб кетиши, яъни “*капиталнинг қочиши*” миллий иқтисодий хавфсизликка жиддий таҳдиддир. Маблағларнинг четга чиқиб кетишининг легал, яъни очикдан-очик йўли тижорат банклари томонидан хорижий

⁷ Расулова Д.В., Жумаев Қ.Х. Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантиришнинг бугунги кундаги ҳолати. “XXI аср: фан ва таълим муассасалари” илмий электрон журнали. №3, 2018 йил.

банклар ҳисоби счетларига катта миқдордаги маблағларнинг ўтказилиши ҳисобланади. Маблағларнинг четга чиқиб кетишининг ноқонуний, яъни яширин йўлларга эса қуйидагилар киради:

-экспорт маҳсулот нархининг пасайтириб, импортда ошириб кўрсатиш. Бунда фиктив ва ҳақиқий нарх ўртасидаги фарқ хорижий компаниялар томонидан ватанимиздаги ишбилармоннинг хорижий банкдаги счега ўтказилади;

-импорт учун “аванс” ўтказилади, аммо импорт содир бўлмайди ва ҳ.к.

Ўзбекистон республикасида **миллий валюта** қадрини ошириш ва у билан эркин муомила муносабатларини олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва фармон ижроси мустақамлаш учун Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (2017 йил 22 ноябрь) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди⁸.

Молия тизимининг марказий бўғини давлат бюджети ҳисобланади. Молиявий хавфсизликнинг асосий тури, мамлакатнинг бош молиявий режаси ва муҳим иқтисодий категорияси бўлгани боис унинг хавфсизлигини таъминлаш соҳадаги устувор вазифалар қаторидан ўрин олган. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жаҳон хўжалик тизимида мамлакатнинг рақабатбардошлилигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- инфляцияга қарши сиёсат дастакларидан самарали фойдаланиш асосида йиллик инфляция даражасини мақбул даражага тушириш;

- институционал ислохотларни амалга ошириш орқали тартибга солиш механизмини шакллантириш;

- иқтисодиётдаги солиқларнинг рағбатлантирувчилик вазифасини кучайтириш ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш;

- Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш билан боғлиқ равишда келиб чиқиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни чуқур ўрганиш ҳамда мамлакат иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоялаш тизимини шакллантириш.

⁸ <https://kun.uz/news/2017/11/25/kacon-nakd-horizij-valutani-kabul-kilisga-ruhsat-beriladi>.